




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE DEVELOPMENT OF COTTON CULTIVATION IN EASTERN BUKHARA AT THE END OF THE 19TH CENTURY - THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Ravshon Makhmanazarovich Kuyliev

Lecturer

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: ravshaan_bek@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara Emirate, Eastern Bukhara, Russia, cotton, agriculture, entrepreneur, political agent, tithe, investment, Sherabad, shareholder.

Received: 30.11.23

Accepted: 02.12.23

Published: 04.12.23

Abstract: This article examines the expansion of cotton fields in the eastern regions of the Bukhara Emirate in the late XIX – early XX centuries. It was also analyzed that since the 80s of the XIX century, Russian authorities and entrepreneurs have invested in the cultivation of protected and rich lands in the emirate in order to expand the acreage of cotton.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Равшон Махманазарович Кўйлиев

Ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: ravshaan_bek@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Шарқий Бухоро, Россия, пахта, қишлоқ хўжалиги, тадбиркор, сиёсий агентлиги, десятина, сармоя, Шеробод, акционер.

Аннотация: Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Шарқий худудларида пахта майдонларининг кенгайиши. Шунингдек, XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, Россия ҳукумати ва тадбиркорлари амирликда пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида ўз сармояларини кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга киритганлиги таҳлил қилинган.

РАЗВИТИЕ ХЛОПКОВОДСТВА В ВОСТОЧНОЙ БУХАРЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Равшон Махманизарови Гуйлиев

Преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: ravshaan_bek@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухарский эмират, Восточная Бухара, Россия, хлопок, сельское хозяйство, предприниматель, политический агент, десятина, инвестиция, Шерабад, акционер.

Аннотация: В данной статье рассматривается расширение хлопковых полей в восточных районах Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX веков. Также было проанализировано, что с 80-х годов XIX века российские власти и предприниматели вкладывали свои инвестиции в возделывание заповедных и богатых земель в эмирата с целью расширения посевных площадей хлопка.

КИРИШ

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, амирлик қишлоқ хўжалигида пахта экиш аҳолининг асосий машғулотларидан бирига айланиб, уни хориж ва қўшни худудларга экспорт қилиш имконияти кенгайди. Россия империяси Бухоро амирлигини ўзига тобе қилгандан сўнг, ўзининг пахтага бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида шарқий худудларда жойлашган бекликларда ҳам сугориладиган ер майдонларини кенгайтиришга этибор қаратади.

АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, Россия хукумати ва тадбиркорлари ўз сармоясини амирликнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш, пахта экин майдонларини кенгайтиришга сарфлай бошлади. Шунингдек, амирликда етиштирилган пахта ҳомашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган завод ва фабрикаларни қуриш ҳамда ҳарбийлар ва рус фуқароларини қўчириб келтириш сиёсатини амалга оширеди. XIX асрнинг 80-йилларига қадар амирликда маҳаллий пахта нави экиб келинган. 1888 йилда рус савдогари С. Мазов Бухоро хукуматидан 30 десятина ерни ижарага олиб, америка пахта навини экиб, унинг маҳаллий пахтага нисбатан қўпроқ ҳосил беришини исботлайди[1]. Шарқий Бухоронинг иклими иссиқ бўлганлиги сабабли бу худудларда ҳам Россия хукумати пахтачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратган[2].

XIX аср охирига келиб, Россия хукумати Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ишларини жадаллик билан олиб борди. Жумладан, янги ерларни ўзлаштириш сиёсати Шарқий Бухорода ҳам амалга оширилди. Мустамлакачи

хукумат Сурхон воҳасини «иккинчи Фарғонага» айлантиришни ўз олдилариға мақсад қилиб қўйганлиги архив манбаларида қайд қилинган[3]. Россия империяси Бухоро амирлигига пахта экин майдонларини кенгайтириш, янги ерларни ўзлаштириш ва тадқиқотлар олиб бориш учун ҳарбий инженер Ермолаев, Москва комитети генерали Мендерларни жўнатган. Шарқий Бухорони тадқиқ қилиш жараёнида ўн мингдан ортиқ десятина ерга сув чиқариб, пахта экиш мумкинлиги аниқланиб, рус ҳукуматига ўз хуносаларини тақдим қилишган[4].

Тарихчи Т.Тўхтаметов ўзининг тадқиқотларида Шарқий Бухорода, Шеробод беклигидан бошқа бекликларда 1911 йилгача пахта экilmagan деган, фикрни илгари сурган[5]. Лекин Шарқий Бухорода маҳаллий ғўза XIX аср бошларида ҳам экинганлиги манбаларда кетириб ўтилган. Масалан, 1887 йили Шарқий Бухорода бўлган полковник Матвеев Китоб, Шеробод, Сурхон ва Кофирниҳон воҳалари ва Сурхон дарёси бўйларида бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари билан биргаликда пахта ҳам экилишини ёзган [6]. Капитан Стеткевич эса Денов ва Миршодида йўл бўйлари ҳамда ариқ ёқаларида пахта қўп миқдорда экилганлигини таъкидлаган [7]. 1890 йилда Ҳисор беклигига 16 минг пуд, Қўрғонтепа беклигига 8 минг пуд, Қабодиён беклигига 240 пуд пахта етиширилгани тўғрисида илмий адабиётларда ҳам маълумотлар келтирилган [8].

Россия императорлик сиёсий агентлигининг 1911 йил август ойида Россия ҳукуматига берилган хатида Бухоро амирлиги ер хўжалиги ва зироатчилик бош бошқармасига Термиз шаҳрида яшовчи Россия фуқароси Д.Ф. Стобанинг мурожаати ҳам илова қилинган. Унда Термиз яқинида Сурхон дарёсининг чап қирғонидан Бойсун беклигига қарашли Янгиариқ худудидан лалми 1000 десятина ер ажратиб бериши сўралган. Д.Ф. Стоба бу ерга сув чиқариб қўргазмали хўжалик барпо этиб бу хўжаликда олий сифатли пахта, кунжут, буғдой, мева ва узумларнинг янги сифатли навларини яратиш ҳамда қорақўлчиликни ривожлантиришни мақсад қилинган. Шунингдек, Жануби-Шарқий Бухоронинг қулай иқлим шароитидан фойдаланиб, бу ерларда пахтадан ташқари қимматли ва олий сифатли малина ва мандарин, чой, бамбук ва бошқа ўсимлик турларини етиширишни режалаштирган. Бу даврда Шарқий Бухоро боғдорчилигига фақат анордан анча яхши ҳосил олинган бўлиб, узум, олхўри, ўрик, шафтоли, олма, нок ва бошқа мевали дараҳтлардан кам ҳосил олинган, шу билан биргаликда уларнинг сифати ҳам анча паст бўлган[9].

Бухородаги Россия императорлик сиёсий агентлиги Жанубий ва Шарқий Бухорода дехқончилик ишларини ривожлантириш мақсадида Д.Ф. Стобага Сурхондарёдан механик насослар ёрдамида сув чиқариб, қўргазмали хўжалик барпо этиш учун Янгиариқ худудидан суғорилмайдиган ерлардан 1000 десятина ер бериш таклифини қўллаб қувватлаган[10]. Шундан сўнг унга кўрсатилган худуддан ер ажратиб берилган. Дастреб у олдига қўйган

мақсадига қисман эришган бўлсада маълум бир сабаларга кўра бу иш тўлиқ амалга оширилмай қолиб кетган.

Термиз шаҳрида яшаган рус фуқароси Д.Ф.Стоба Россиянинг Бухородаги сиёсий агентига ёзган хатида қўйидагиларни баён қиласди: “Сурхон воҳасида пахта 1 июнда, Фарғонада эса 22 июнда гуллагани эътиборга олинса, жанубда пахтага яхши ишлов берилса, бу ҳудуддан Фарғонадан ҳам кўп ҳосил олиш мумкин” [11]. XIX асрнинг 50-70 йилларида Бухоро амирлигида 23 минг десятинага пахта экилган бўлса, 1880 йилга келиб, 50 минг десятинага, 1890 йилга келиб, эса 60 минг десятинага экилди. Архив манбаларида 1890 йил 62 минг десятинага пахта экилгани қайд қилинган[12]. XX аср бошларига келиб, Россия ҳукумати амирликнинг Шарқий ҳудудларида ҳам пахта экин майдонларини кенгайтириш ва янги ерларни ўрганиш учун Бухоро амирлигига ҳарбий инженер Ермолаев ва генерал Мендерларни юборди. Улар Шарқий Бухорони ўрганиб, бир неча ўн минг десятина ерга сув чиқариб, пахта экиш мумкинлигини рус ҳукуматига маълум қилган.

XX аср бошларига келиб амирликнинг шарқий ҳудудларида ҳам пахта экин майдонлари йилда йилга кенгайиб борди. 1908 йилда 17 минг пуд, 1909 йилда 22 минг пуд, 1910 йилда 34 минг пуд, 1911 йилда эса 60 минг пуд пахта етиширилди Россиялик тадбиркорлар пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида амирлик ҳудудидан катта миқдордаги ерларни ижарага олиш ишларини амалга ошира бошлади. Бу масалани биринчи бўлиб капитан А.Ананьев ва князь Г.Андронниковлар кўтариб чиқади. Улар 1912 йил 23 февралда Бухоро ҳукумати билан 17 банддан иборат шартнома имзолаб, Шеробод ва Бойсун бекликлари ҳудудидан 72,5 минг десятина ерни 99 йилга ижарага олади. Ижарага олинган ерларни суғориш учун А.Ананьевга ҳар йили 1 мартаңдан 1 октябргача Сурхондарёдан 9 куб метр, бошқа пайтларда эса 4 куб метр сув олиш ҳукуқи берилди. Шартнома шартларига кўра, 8 йилу 6 ой ўтгандан сўнг А.Ананьев Бухоро ҳукуматига ижара ҳақини тўлаш керак эди[13].

1913 йилга келиб, А.Ананьев томонидан «Шеробод» акционерлик жамияти тузилди. Унинг тузилишидан мақсад шартноманинг бажарилишини таъминлаш ва ҳар бир туманда суғориш ишларини тезлик билан амалга оширишдан иборат эди. Воҳа ҳудудидан катта миқдордаги ерларни Россия фуқароларига ижарага бериб юборилиши маҳаллий аҳоли ўртасида бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди.

“Шеробод” акционерлик жамияти бошқармасининг Туркистон генерал-губернатори А.Н. Куропаткинга берган маълумотида “Бухоро қушбегиси сиёсий агентга 1913 йил июн ойида ёзган №1189 сонли хатида янги қазилаётган ариқ ижарага берилган ерларга етиб бормаслиги таъкидлангани баён қилинган. Лекин маҳаллий аҳоли инженер Ананьев томонидан ўрнатилган тўсиқларни бузиб ижарага олинган ерларга ҳам кириб келмоқда

натижада эса ижарага олинган ерлар ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Шартномага берилган ерларни маҳаллий аҳоли ўзбошимчалик билан ўзлаштириб келмоқда. Бу сиёсатни Бухоро хукумати қўллаб қувватламоқда. Сиёсий агентлик ва Туркистон генерал губернаторининг бу ишларни тўхтатиш ва уларга чора кўриш бўйича берган кўрсатмасидан бирортасини Бухоро хукумати бажармади. Фақат Шеробод беки алмаштирилди холос, бошқалари борасида хеч қандай иш амалга оширилмай, ижарага олинган ерларда ҳозиргача аҳоли чорва молларини боқиб келмоқда деб маълумот берилган ”.

Рус тадбиркорлари Шарқий Бухорога пахта экин майдонларини кенгайтиришга катта эътибор бердилар. 1914 йил 5-июлда А.В.Глушков ва Д.Ф. Коневлар Шарқий Бухородан 4727 десятина ерни ижарага олишди. Шартнома изолангандан сўнг А.В.Глушков ва Д.Ф.Коневлар “Айваж” ўртоқчилик ширкатига асос солди [14]. “Айваж” ўртоқчилик ширкати фаолиятининг дастлабки йилларида Кофирниҳон дарёсидан 200 десятина ерни суғориш қувватига эга бўлган 8 верстлик канал қазиб ишга туширди. Тадбиркорлар суғориладиган ерларга пахта, лалми ерга эса буғдой ва арпа экишган. 1917 йилда “Айваж” ўртоқчилик ширкати 2 минг пуд пахта ҳосил олиб, пахтанинг ҳар пудини 10 рубльдан Термиз пахта тозалаш заводига топширган[15]

1915 йил октябр ойида Кўрғонтепа беклигига “Шарқий Бухоро ўртоқчилик” ширкати тузилди. Унга В.И. Лева, Мирҳайдар Мирбадалов ва З.А. Белиский аъзо бўлишди. Ширкат раиси З.А. Белиский ҳар йили Шарқий Бухорога келиб, бекликлардан пахта сотиб олиш билан шуғулланди. У маҳаллий савдогарларга нисбатан аҳолидан пахтани юқори нархларда сотиб олган. З.А.Белискийнинг Россия хукуматига берган ахборотида Шарқий Бухорода пахтачиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлувчи муаммолар(бўнак бериш) бартараф этилса, пахтадан йилига 1 миллион пуд ҳосил олиш имкони таъкидланган[16].

ХУЛОСА

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, Россия хукумати ва тадбиркорлари ўзларининг сармоясини амирликдаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, пахта экин майдонларини кенгайтиришга сарфлади. 1888 йилдан бошлаб амирликда америка пахтаси навини экиш оммавий тарзда жорий қилиниб, пахта экин майдонлари 5 бараварга кенгайди. XX аср бошларига келиб воҳада пахтачиликни ривожлантиришда катта тажриба тўпланди, кўриқ ва бўз ерларга сув чиқарилиб пахта экин майдонларига айлантирилди, бу воҳа қишлоқ хўжалигига пахтачиликнинг етакчи ўринга кўтарилишига имкон берди. Шунингдек, Россия учун муҳим бўлган хом ашё базаси яратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX-начале XX вв. - Т.: Фан, 1966. - С. 62.

2. Тухтаметов Т.Г. Экономическое состояніе Бухарского эмирата в конце XIX - начало XX в. // Тр. инс. ист. АН КиргССР. - Фрунзе., 1956. - С. 159.
3. ЎзР МДА, И-2-жамғарма, 2-рўйхат, 1990-иш, 34-варак.
4. Туркестанский сборник.- Ташкент. 497. - С. 112.
5. Тухтаметов Т.Г. Экономическое состояніе Бухарского эмирата в конце XIX-начале-XX вв. (развитие и стране капиталистических отношение) // Тр. инс-та истории АН Кирг ССР. – Фрунзе: 1957. - С. 151-183.
6. Полк. Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям // Сб. геог. топог и статис. мат. по Азии. - СПб., 1887. Вып. V. - С. 21.
7. Кап. Стеткевичъ. Бассейн Караган-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. - СПб., 1894. Вып. 57. - С. 279.
8. Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX - начале XX вв. - Душанбе: АН Тадж ССР, 1963. - С. 30. 9. ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 6-варак;
10. ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 6-варак;
11. Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. *T.: ABU MATBUOT-KONSALT*, Б – 106.
12. Ўз МА, И – 3 - жамғарма, 1-рўйхат, 369-иш, 18- варакнинг орқаси.
13. Ўз МА, И – 2 - жамғарма, 1-рўйхат, 352-иш, 34-35-варак.
14. Ўз МА, И – 3 - жамғарма , 1-рўйхат, 676 иш, 12- варак.
15. Ўз МА, И – 1 - жамғарм, 17-рўйхат, 1129- иш, 4-варак.
16. Ўз МА, И – 3 - жамғарма, 1-рўйхат, 620 -иш, 17-варак.
17. Ochildiev, F., & Kuyliev, R. (2021). Location of the population and ethnic composition of surkhan oasis in the late xix and early xx centuries. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1062-1069.
18. Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.
19. Очилдиев, Ф. (2021). XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Сурхон воҳаси бекликларининг мамурий бўлиниши ва бошқарув тизими. *Общество и инновации*, 2(4/S), 387-397.
20. Kuyliev, R. M. (2021). The Historical Importance Of Kindiktepa. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(12), 16-23.

21. Koyliev, R. M., & Abdullaev, I. (2023). TRADITIONS AND INNOVATIONS IN HANDICRAFTS OF THE POPULATION. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 5(03), 57-65.
22. Khaydarov, Z. B. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH RUSSIA IN THE 60S-70S OF THE 19TH CENTURY. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(06), 32-39.
23. Khaydarov, Z. B. (2023). TRADING CENTERS OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(04), 1-9.